

Захирова Гулнора Мухамадиевна,
Ўзбекистон Миллий университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси катта
ўқитувчиси

МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИНГ ЎРНИ

УДК : 331.101.2

ЗАХИРОВА Г.М. МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИНГ ЎРНИ

Мақолада иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида анъанавий ишлаб чиқариш омилларининг ўзгараётганлиги, инсон капитали, интеллектуал салоҳият асосий омилларга айланаётганлиги, иқтисодий ўсишнинг юқори даражасига интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш орқали эришиб, пировард натижада умумий бойлигини кўпайтириш, давлатнинг аксарият ижтимоий муаммоларининг ҳал этилиши ҳақида сўз юритилган.

Таянч иборалар: интеллектуал салоҳият, инсон капитали, иқтисодий ривожланиш, инновацион иқтисодиёт, илмий-техник тараққиёт, ходимларнинг инновацион салоҳияти.

ЗАХИРОВА Г.М. РОЛЬ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ СТРАНЫ

В статье рассмотрены такие понятия как человеческий капитал, интеллектуальный потенциал, которые на современном этапе развития экономики вытесняют классические аспекты производства на второй план, и путем развития интеллектуального потенциала можно добиться увеличения национального богатства и решить ряд социальных проблем государства.

Ключевые слова: интеллектуальный потенциал, человеческий капитал, экономическое развитие, инновационная экономика, научно-технический прогресс, инновационный потенциал сотрудников.

ZAKHIROVA G.M. ROLE OF INTELLECTUAL POTENTIAL IN THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY

There is discussed in the article such concepts as human capital, intellectual potential which at the present stage of economic development displaces the classical aspects of production into the background, and through the development of intellectual potential, it is possible to increase national wealth and solve a number of social problems of the state.

Keywords: intellectual potential, human capital, economic development, innovative economy, scientific and technological progress, innovative potential of employees.

Кириш. Маълумки, XXI аср интеллектуал қобилият, ноодатий фикрлаш кўникмаси, психологик жиҳатдан ўта мустаҳкамликни талаб этадиган аср. Бу асрда фақатгина юқоридаги хислатларни ўзида мужассамлаштирган субъектларгина ривожланиши ва мамлактининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олиши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмас, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четдан қолиб кетиши муқаррар.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Дунё мамлакатларида саноат ривожланиши босқичидан аввал иқтисодий ўсишни таъминлашда табиий ва меҳнат ресурсларига, саноат ривожланиши босқичида эса моддий ресурсларга устуворлик берилган бўлса, саноат ривожланишидан кейинги ҳозирги даврда интеллектуал ва ахборот ресурсларининг роли биринчи ўринга чиқмоқда. Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари тараққиёти янги – билимлар, инновациялар, глобал ахборот тизимлари, янги технологиялар ва венчур бизнеси иқтисодиётини шакллантиришга олиб келди.

Интеллектуал бойлик-билимлар, фоялар ва ижодий меҳнат орқали ўлчанадиган саноат ривожланишидан кейинги даврнинг асосий маҳсулидир. Интеллектуал бойлик моддий бойликдан устун томонларига эга. Масалан, мулк эгаси ўз бойлигини ўзи қўриқлайди, билим эса ўз эгасини қўриқлайди. Ёки мулк харажат вақтида камайса, билим билан бўлишган сари мулк кўпайиш хусусиятига эгадир.

Жаҳонда ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий аҳволи унинг интеллектуал салоҳияти билан аниқланади. Ривожланган мамлакатларнинг аксарияти таълим тизимини самарали ривожлантириш орқали ЯИМнинг 40%гача кўтарилишига эришадилар. Таълимга қилинган инвестиция нисбатан тезроқ қопланади. Америкалик экспертларнинг фикрига кўра, таълим тизимига қилинган 1 долларлик харажат, 3-6 доллар даромад қилишга имкон беради¹.

Илмий муаммони қўйилиши. Ўзбекистоннинг рақобат устунлиги биргина унинг табиий бойликлари, мустақиллик йилларида яратилган замонавий кўп тармоқли саноатидагина эмас, балки

юксак илмий-техникавий салоҳияти, мустаҳкам илмий базаси, юқори малакали кадрларида ҳамдир.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам: «...биз ягона бир мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Яъни Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт»³ деб таъкидланган.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, юқори инсон капитали ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлган мамлакатлар иқтисодиёти юксак даражада ўсиш тенденциясига эгадир. Масалан, Швеция инсон капитали назарияси асосида ўз иқтисодиётини ислоҳ этди ва 2000 йилга келиб жаҳон иқтисодиётида етакчилар қаторига кўшилди. Финляндия ўз тарихида қисқа давр оралиғида инновациялашган иқтисодиётга ўтди ва юқори технологияли рақобатбардош мамлакатга айланди. Инновациялашган иқтисодиёт ва ахборотлашган (ахборот алмашинуви юқори бўлган) жамиятнинг фундаментал асосини инсон капитали яратди⁴.

Интеллектуал салоҳият инсоннинг қисқа муддат ичида мураккаб фикрлаш талаб қиладиган масалаларни ечиш қобилиятидир. Интеллектуал салоҳият ўз навбатида янги билимларни ўзлаштириш, малака қобилиятларини шакллантиришда доимий изланишда бўлишни талаб этади. Шу билан биргаликда интеллектуал салоҳият махсус таълим олмасдан туриб ривожланиши, такомиллашиши мумкин эмас.

Юқори малака, савияга эга бўлган интеллектуал салоҳиятли инсон, ўзи яратган янгиликлари асосида мамлакатнинг инновацион иқтисодиётига улкан ҳиссасини қўшади.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-5264-сон Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 22 декабрь 2017 йил.

⁴ Kiker B.F. The Historical Roots of the Concept of Human Capital // Journal of Political Economy. 2001. P.486.

¹ Кадомцева С.В. Экономические основы системы социальной защиты. - М., 1997. - С.8-9.

Янги минг йиллик бошида жаҳон иқтисодиёти қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланган: инсонларнинг атиги 3–5%и келажак иқтисодиётини, яъни интеллектуал салоҳиятга асосланган иқтисодиёт шаклланган мамлакатларда, ер аҳолисининг 15 % га яқини эса ахборот типидagi иқтисодиётга эга постиндустриал жамиятда яшайди. Одамларнинг яна 30 % яқини индустриал иқтисодиётли мамлакатларда истиқомат қилишса, қолган 50 % аҳоли эса ўз ҳаётини ҳунармандчилик ва оддий қишлоқ ҳўжалиги ёрдамида юритишга мажбурдир¹.

Демак, интеллектуал салоҳиятга катта аҳамият бериш натижасидагини мамлакат иқтисодиётини юксак ривожланиш поғоналарига кўтариш мумкин. Бунда фан сиғимкорлиги юқори бўлган корхоналарнинг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Фан сиғимкорлиги юқори бўлган корхона бошқарувининг асосий мақсади-корхонани самарали фаолиятини ва инновацион ривожланишини таъминлаш деб ҳисобланса, мамлакатдаги иқтисодиётнинг барча тармоқларида, ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион ўзгаришлардаги муваффақият бевосита ходимларнинг малака даражасига боғлиқдир.

Бундай шароитларда ходимга илмий-техник тараққиётнинг ривожлантирувчи омили сифатида қаралиши долзарб бўлиб, инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида, ходим ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширувчи асосий кучга айланади. Бу тушунча инсон капиталига тегишли бўлиб, фан сиғимкорлиги юқори бўлган корхоналарнинг ривожланиш шароитида эса бу интеллектуал салоҳият деб номланади. Замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида техник малаканинг ўрнини интеллектуал малака эгалламоқда. Инновацион фаолият ақлий меҳнат асосида шаклланиб, доимий равишда ходимларнинг малака ва кўникмалари даражасини ошириб боришни талаб қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, умумий ҳолда интеллектуал меҳнат бу-янги билимлар, маълум унсурларни бошқача кўринишдаги ифодаси, мазкур жараёнда зарур бўлган ўзгаришларни киритиш билан боғлиқ бўлган меҳнат бўлиб, бу фаолиятни инновацион, ижодий деб номлаш мумкин.

Инновацион ўзгаришларни амалга ошириш ва юқори натижаларга эришиш омили бўлиб, интеллектуал капитал хизмат қилади. Шунинг учун ривожланишнинг ҳозирги босқичида менежментнинг асосий вазифаси корхоналарнинг меҳнат салоҳиятидаги интеллектуал унсурни самарали тадбиқ қилиш ҳисобланади.

Асосий натижалар. Интеллектуал салоҳият ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда турли корхона ва ташкилотларда назарий билимлари, амалий тажрибалари ҳамда индивидуал қобилиятлари асосида ходимларнинг инновацияларни яратишларидир.

Бунда абсолют, максимал даражадаги ҳамда реал салоҳиятни ажратиш даркор².

Абсолют интеллектуал салоҳият деганда корхонанинг илмий-техник ходимлари олдида турган мураккаб муаммоларга тўлақонли мосликни белгиловчи катталиқ тушунилади.

Меҳнат жараёнларини амалга ошириш шароитида вужудга келадиган катталиқ эса реал салоҳият дейилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, фан сиғимкорлиги юқори бўлган ташкилотларнинг инновацион лойиҳалар доирасидаги фаолиятлари натижаси илмий-тадқиқот ишларини муваффақиятли олиб борилиши биланузвий боғлиқдир. Янги маҳсулот, хизмат кўрсатиш ва технологияларни ишлаб чиқишда инновацион фаолиятни жорий қилиш, нафақат мавжуд интеллектуал салоҳиятни белгилайди, балки уни янада ривожлантиришга асосланади.

Интеллектуал салоҳиятни ривожланиш йўналишларини ҳажм ва сифат жиҳатидан ажратиб кўрибчиқиш мумкин.

Фан сиғимкорлиги юқори бўлганкорхонанинг интеллектуал салоҳиятининг ҳажмий жиҳатлари, унинг умумий ҳамда алоҳида ташкил этувчиларинг ривожланиш суратлари билан аниқланади.

Интеллектуал салоҳиятнинг сифат жиҳатидан ривожланиши, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик соҳасидаги фаолияти натижасида ходимларнинг шахсий малака ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда энг сифатли қарор қабул қилишларини кафолатлайди. Шундай қилиб, ҳар бир ходимнинг интеллектуал салоҳияти унинг

¹ Фридман Л., Кузнецова С. Глобализация: развитие и развивающиеся страны. // Журнал «Мировая экономика и мировые отношения». 2000, № 10.

² Лаврентьев В.А., Шарина А.В. Интеллектуальный потенциал предприятия: понятие, структура и направления его развития. // Журнал «Креативная экономика» №2, 2009, Москва, Россия.

шахсий қобилияти ҳамда таълим даражаси ва амалий кўникмаларига боғлиқ бўлади.

Фан сиғимкорлиги юқори бўлган корхоналарда интеллектуал салоҳиятнинг ривожланиш даражасига доимий равишда мутахассисларнинг малакасини такомиллаштириш орқали эришилади. Мутахассисларнинг малакасини доимий равишда такомиллаштириб бориш замонавий корхоналарнинг инновацион фаолиятини белгилаб беради.

Фан сиғимкорлиги юқори бўлган корхоналарда ишчиларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш жараёнида, ходимларнинг алоҳида индивидуал қобилиятларини ҳисобга олишлари юқори самара беради. Бунда уларни учта гуруҳга ажратиш мумкин:

- демографик (ёши ва жинси);
- мансублик (қобилият ва мойиллик);
- психологик ҳолати (меҳнатга муносабат, характер).

Келтирилган ҳар бир омил инсоннинг индивидуаллигини аниқлашда алоҳида ўрин тутиб, шахснинг турли қирраларини намоён этади ва меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Турли омилларнинг қай даражада аҳамиятга эга эканлиги, меҳнатнинг турига ва иш берувчининг талабларига боғлиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Ҳозирги кунда ҳар бир ходимнинг индивидуал хусусиятлари ва салоҳиятини акс эттирувчи персоналнинг сифат кўрсаткичларининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ходимнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун турли таълим дастурлари, тренинглари ва семинарлари алоҳида ўрин тутиб, булар орқали зарур бўлган билим, малака, кўникмаларни янада такомиллаштириш мумкин.

Корхоналарнинг интеллектуал салоҳиятини янада ошириш йўллари излашда шуни унутмаслик керакки, ҳар бир фан сиғимкорлиги юқори бўлган корхоналар жуда ноёб технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнларига эга бўлиб, улар ташқарида тайёрланган мутахассисларни жалб қилишни хоҳламайдилар. Бу орқали корхона ходимни мазкур меҳнат фаолиятига мослаштириш жараёнида ортиқча молиявий харажат ва вақт сарфларидан ўзини ҳимоя қилади. Сифатга бўлган юқори талаб, ишлаб чиқариш технологияларининг алоҳида хусусиятларидан келиб чиқиб шунга эътибор қаратиш керакки, кўпгина корхоналарда мазкур корхонанинг ўзида тайёрланган ва ўқитилган мутахассислар фаолият олиб боришлари мақсадга

мувофиқ деб ҳисобланади. Шундай экан, фан сиғимкорлиги юқори бўлган корхонанинг бошқарув тизимида- тизимости омил бўлиб, корхонанинг ичида ходимлар тайёрлаш тизими вужудга келади.

Бу тизим фан сиғимкорлиги юқори бўлган корхонанинг барча йўналишларини ўзаро боғлайди ва уни қўллаб-қувватлайди. Бошқа томондан қаралса, ходимларни доимий равишда янги билим, малака, кўникмаларини шакллантириш орқали, шу корхонанинг юқори технологик ишлаб чиқаришдаги муаммоларини бартараф этишга эришилади.

Бундай тизимнинг фаолияти ходимнинг билим, малака, кўникмаларини шакллантиради, бунда эса янги ғоялар генерацияси вужудга келади, чунки инновациянинг асосини ғоя ташкил этади. Яратилган ғоялар эса ўз навбатида эртами кечми ҳаётга тадбиқ қилиниши лозим. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, шу ғоянинг муаллифи ўз олдида уни тадбиқ қилиб даромад кўриш, тижоратлаштириш мақсадини қўймас экан, унинг натижаси ҳеч қачон инновацияга айланмайди. Бу инновацион ғояларнинг муаллифларни ҳаракатланишлари учун асосий мотивдир. Тадбиқ этилган инновация натижасида жамият янги ноёб маҳсулотга эга бўлади, бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини яратишга сабаб бўлади.

Инновацион йўналиш фаолияти, мутахассиснинг малака сифатларигагина эмас, балки уни шахсига нисбатан ҳам аниқ бир талаблар қўяди. Яъни, фан сиғимкорлиги юқори бўлган корхоналарда инновацион меҳнат ходимини ишлаб чиқаришнинг омили сифатида кўриш нотўғри бўлади. Чунки бундай ходим, фақат индивидуал қобилиятли шахс эмас, у инновациялар манбаи ва рақобат курашларидаги устунлик омилдир.

Ходимларда янгилик яратишга бўлган қизиқишни ривожлантириш керак, чунки айнан шу сифатлар тадқиқотчининг ишида муваффақиятга олиб келиши мумкин. Бунда янги шароитларга мослашган ҳолда, юқори самара берувчи янги ғояларни илгари суриш қобилиятига эга бўлганларга эътиборни кучайтириш зарур.

Шунинг учун фан сиғимкорлиги юқори бўлган корхоналар ходимлари фундаментал ёки амалий билимларга эга бўлиш билан бирга, илмлари маълум даражада хажм, чуқурлилик, мустаҳкамлилик, долзарблилик, мутахассислик йўналиши, фан томонидан қўйилган талабга жавоб бера олиш

каби сифат кўрсаткичларини ҳам қамраб олишлари шарт.

Технологиялар ва инновацияларни бошқариш ижтимоий жараёнлигини инобатга олган ҳолда, интеллектуал салоҳият ҳар бир ходимнинг шахсий сифатларини ривожлантиришга таянади. Бу ўз навбатида қуйидагиларда намоён бўлади:

- биринчидан, ҳар қандай яратилган ва тадбиқ этилган янгилик, инновация бўлиб индивидуал ижодий меҳнат натижасидир;

- иккинчидан, истеъмолчининг янги маҳсулот сифатига бўлган талаби шу даражада юқорики, янгиликни тадбиқ қилишдаги муваффақиятга турли билимларни жорий этиш орқалигина эришиш мумкин;

- учинчидан, илмий-тадқиқот персоналининг билими, малака, кўникмалари, ғоялар генера-

цияси орқали янги инновацияларнинг яратилишига туртки беради;

- тўртинчидан, ходимнинг ижодий қобилияти доимий равишда ривожланишни талаб этади, чунки айнан у муаммоларни бартараф этиш, ёки ноодатий қарорларни қабул қилишда инновацион ғояларни яратади.

Мамлакатда иқтисодий ўсишнинг юқори даражасига интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш орқали эришиб, пировард натижада умумий бойлигини кўпайтириш, давлатнинг ижтимоий муаммолари: қашшоқлик, ишсизлик, турмуш сифатини ошириш каби муаммоларни ҳал этиш бўйича имкониятларини кенгайтиришга эришиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2017 йил 22 декабрь.
3. Кадомцева С.В. Экономические основы системы социальной защиты. - М., 1997. -С. 8-9.
4. Kiker B.F. The Historical Roots of the Concept of Human Capital. // Journal of Political Economy. 2001. P. 486.
5. Фридман Л., Кузнецова С. Глобализация: развитие и развивающиеся страны. // Журнал «Мировая экономика и мировые отношения», 2000, № 10.
6. Лаврентьев В.А., Шарина А.В. Интеллектуальный потенциал предприятия: понятие, структура и направления его развития. // Журнал «Креативная экономика», 2009, №2, Москва, Россия.